

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА АПЕЛЛЯЦИЯ СУДЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ А Ж Р И М И

2021 йил [REDACTED] ойининг 24 куни Сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича апелляция судлов ҳайъати ўз биносида ўтказилган очик суд мажлисида, раислик қилувчи вилоят суди раисининг ўринбосари О.Нормахматов, ҳайъат судьялари А.Мирзаев ва К.Назаровдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Т.Хожиевнинг котиблигида, тарафлардан вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори А.Бобониёзов, судланувчи Ш.Н ва унинг ҳимоячиси адвокат Д.Саидовнинг иштирокида, судланувчи Ш.Ннинг ўзига оид суд ҳукмига нисбатан адвокати Д.Саидов билан апелляция тартибида берган шикоятини жиноят иши материаллари асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Жиноят ишлари бўйича [REDACTED] туман судининг [REDACTED] ҳукмига кўра,

[REDACTED] туманида туғилган, миллати [REDACTED], ўзбек тилини яхши билади, таржимонга муҳтож эмас, Республикаси фуқароси, маълумоти [REDACTED], оилали, [REDACTED] нафар фарзанди бор,

[REDACTED] ишлаган, муқаддам [REDACTED]

[REDACTED] ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 246-моддаси 2-қисми, 25,273-моддаси 5-қисми билан 7 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 22 августдаги “Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Фармонига асосан жазодан озод қилинган, [REDACTED]

[REDACTED] яшайди, 2014 йил 23 июнь кунидан “қамок” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олганга нисбатан

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 246-моддаси 2-қисми билан 10 йил, ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисми билан 10 йил, ЖКнинг 59-моддаси тартибида 12 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.



Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди кассация инстанцияси судлов хайъатининг 2020 йил 3 декабрь кунги ажрим билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов хайъати кассация инстанциясининг 2021 йил 12 май куни ажрими билан, жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди кассация инстанциясининг 2020 йил 3 декабрдаги ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан кўриш учун апелляция инстанцияси судига юборилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Ш.Н 2014 йил 18 июнь куни [REDACTED] Республикасидан Ўзбекистон Республикасига ўтиш мақсадида “Сариосиё” божхона постига кириб келиб, унинг ҳаракатлари божхона ходимларига нисбатан шубҳа уйғотганлиги сабабли, унинг ёни ва қўл юклари холислар иштирокида кўздан кечирилганида, унинг қўлида бўлган қизил рангли хўжалик сумкасида аёллар ички кийимига хуфёна тарзда яширилган кичик ҳажмдаги оқ рангли полиэтилен пакетга жойлаштирилган кўп миқдордаги героин гиёҳвандлик воситаси борлиги аниқланиб, тегишли тартибда ҳужжатлаштириб далилий ашё сифатида олиб қўйилган.

Сурхондарё вилоят ИИБ ЭКБнинг 2014 йил 19 июндаги 152-сонли ҳулосасида, Ш.Ндан олинган восита “героин” гиёҳвандлик воситаси бўлиб, соф оғирлиги 98 граммни ташкил этишлиги кўрсатилган.

Дастлабки тергов ҳаракатлари давомида Ш.Н ёнидан олинган 98 грамм героин гиёҳвандлик воситасини Тожикистон Республикаси фуқароси “Ўғилой”, “Манзура” ва “Зокир” исмли жинорий шерикларидан келгусида қонунга хилоф равишда сотиш мақсадида олиб, Тожикистон Республикасидан Ўзбекистон Республикасига контрабанда қилиб ўтказгани аниқланган.

Судланувчи Ш.Н ва унинг ҳимоячиси адвокат Д.Саидов апелляция шикоятда, собиқ МХХ ходимларининг тазйиқи билан тергов ва судда иқрорлик кўрсатуви бергани, айби йўқлиги сабабли оқлов ҳукми чиқаришни сўраган.

Апелляция инстанцияси судида сўралган судланувчи Ш.Н, шикоятни қувватлаб, ҳозирги кунда содир қилмаган жиноят учун судланиб жазо ўтаётгани, 2014 йил 14 июнь куни [REDACTED] Республикасидан Ўзбекистон Республикасига яшайдиган акасининг тўйига шериги билан бирга [REDACTED] ва Ўзбекистон чегара постларидан ўтиб келгани, соат 17-00 ларда божхона комплексида ўтгач нотаниш фуқаро унинг ёнига келиб, “божхона комплексида сумкаларинг қолипти” деб чақиргани, сўнг уни ёнига икки нафар ДХХ ходими келиб, шеригини тўйхонага жўнатишиб, ўзини эса Узун туман ДХХ биносига олиб боришгани, кейин 5-6 нафар эркак уни яланғоч қилиб, “сен жосуссан” деб айблаб уришгани, ундан “маълумотлар олиб кетаясан, ҳокимиятдан кимни танийсан?” деб сўрашгани, сўнг Ўтқир исмли ИИБ ходимига нисбатан кўрсатув беришга мажбур қилишгани, шунда уни танимаслигини айтгани, сўнг икки нафар холис олиб келишгани, сумкасидаги нарсаларни чиқаришиб, бюстгалтер ичидан героин



гиёҳвандлик моддаси топилгани, бу ҳақида тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришгани, бироқ сумкасидаги тилло сирғалари ва узукларини далолатномага кўрсатишмагани, сумкаси ҳақиқатдан ҳам ўзига тегишли бўлгани, бироқ гиёҳвандлик моддаси чиққан бюстгалтер унга тегишли эмаслиги, илгари гиёҳвандлик моддасини олиб ўтганлик ҳолати юзасидан жавобгарликка тортилгани сабабли гиёҳвандлик моддасини Ўзбекистон олиб ўтиш оқибатларини яхши билишлиги, бироқ орган ходимлари унга нисбатан сумкасига гиёҳвандлик воситаси сақланган бюстгалтерни ташлашиб, гуёки ички кийимидан героин гиёҳвандлик моддаси топилгани ҳақида ҳужжат расмийлаштиришгани, агарда гиёҳвандлик воситасини олиб ўтганида божхона комплексидан текширувдан ўтаётган вақтида аниқланган бўлиши, 2014 йилдан бери қамоқда сақланаётгани, бирор марта жазони ўташ тартибини бузмагани, аёллигини, фарзандларидан узокда қамоқда ўтирганини ҳамда иш ҳолатини ҳисобга олган ҳолда унга нисбатан тайинланган жазони енгиллаштириб беришни сўраб кўрсатув берди.

Судлов ҳайъати иш бўйича судья К.Назаровнинг маърузасини, прокурор А.Бобониязовнинг суд ҳукмини ўзгартириб судланувчига енгиллик бериш ҳақидаги, адвокат Д.Саидовнинг шикоятни қаноатлантириб Ш.Ннга енгиллик бериш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятда келтирилган вазиятни жиноят иши материаллари билан бирга таҳлил қилиб, суд ҳукмини ўзгартириб, шикоятни қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Судланувчи Ш.Ннинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир қилганликдаги айби, ўзининг дастлабки тергов ва судда берган иқдорлик кўрсатувидан ташқари, гувоҳ Б.Хидиров ва Б.Мусулмоновнинг тушунтириш хатлари, дастлабки терговдаги гувоҳ тариқасидаги кўрсатувлари, Ш.Ннинг ёнини ва қўл юкларини кўздан кечириш, далилий ашёни топиш ва келгусида текшириб кўришлик учун олиш тўғрисидаги баённома, судга оид кимёвий экспертиза ҳулосаси ҳамда иш ҳужжатларида тўпланган бошқа далиллар мажмуи билан исботланган.

Судлов ҳайъати Ш.Ннинг айби йўқлиги, гиёҳвандлик воситаси унга тегишли эмаслиги ҳақидаги важи билан келишмади ва унинг бу вазияти дастлабки тергов ва судда аниқланган ҳақиқий ҳолатларга мос келмаслиги сабабли ишончга сазовор бўлмаган асоссиз вазият деб баҳолаб, уни жавобгарликдан қутулиш мақсадида ўйлаб топилган вазият деб ҳисоблаб, судда ишончлилиги текширилган қўйидаги далиллар мажмуи билан рад қилади.

- судланувчи Ш.Ннинг суддаги, айбига иқдорлик билдириб, у 1988 йилда [REDACTED] Республикаси [REDACTED] туманида яшовчи [REDACTED] исмли шахсга турмушга чиқиб, ўша ерда яшаб келаётганлиги, у 2014 йил 18 июнь куни қариндошларининг тўйига келиш учун [REDACTED] Республикасидан Ўзбекистон Республикасига ўтиш учун Сариосиё божхона комплексига кириб келганлиги, шунда божхона комплексига ўзларини МХХ ва божхона ходимлари деб таништирган шахслар икки нафар ҳолислар иштирокида унинг қўл сумкасини кўздан кечирганликлари, кўздан кечириш



давомида қўлида бўлган қизил рангли хўжалик сумкаси ичида бўлган аёллар ички кийими (бюстгальтер) махсус яширин жойга бириктириб қўйилган оқ рангли полиэтилен целлофан пакетда бўлган героин гиёҳвандлик воситасини аниқлаб холислар иштирокида хужжатлаштириб олганликлари, у ушбу героин гиёҳвандлик моддасини ўзига илгаридан таниш бўлган [REDACTED] Республикаси [REDACTED] туманида яшовчи ноқонуний валюта айирибошлаш билан шуғулланадиган “[REDACTED]” исмли шахслардан олганлиги, ушбу гиёҳвандлик воситасини уларнинг кўрсатмасига асосан [REDACTED] ёнига келтириб уни кутиб турган шахсга бериши лозим бўлганлиги, “[REDACTED]” исмли шахслар унга гиёҳвандлик воситасини олиб ўтишга илтимос қилганликлари, уни Узун туманида гиёҳвандлик воситасини кутиб оладиган шахсни билмаслиги, “[REDACTED]”лар унга Узун туманига қадар ушбу гиёҳвандлик воситаларини олиб борганидан сўнг ўзи келиб олиб кетишини айтганликлари ҳақидаги;

-Сурхондарё вилоят ИИБ ЭКБнинг 2014 йил 19 июнь кундаги 152-сонли хулосасида, Ш.Ндан олинган восита “героин” гиёҳвандлик воситаси бўлиб, соф оғирлиги 98 граммни ташкил этишлиги маълум қилинган билан;

-Ш.Ннинг ёнини ва қўл юкларини кўздан кечириш, далилий ашёни топиш ва келгусида текшириб кўришлик учун олиш тўғрисидаги баённома расмийлаштирилгани билан рад этилади.

Судлов ҳайъати судланувчи Ш.Ннинг сумкасида тилло тақинчоқлари борлиги, далилий ашёни олиш ҳақида тузилган баённомадаги имзо унга тегишли эмаслиги, унга нисбатан орган ходимлари томонидан тазйиқ ўтказилгани ҳақидаги важи билан келишмади.

Иш хужжатларига кўра, ашёни топиш ва олиш ҳақидаги баённомада тилло тақинчоқлари олингани ҳақида акс эттирилмаган.

Бундан ташқари, Ш.Н дастлабки тергов ва судда ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун адвокат иштироки таъминланган бўлса-да, бироқ бу ҳақида орган ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан бирон-бир органга мурожаат қилмаган.

Судлов ҳайъати, судланувчи Ш.Нарзикуловнинг далилий ашёни топиш ва келгусида текшириб кўриш учун олиш тўғрисидаги тузилган баённомадаги имзоси билан бошқа тергов ҳаракатлари ўтказилган жараёндаги қўйилган имзолари билан ўхшаш бўлгани сабабли айнан ўзи томонидан имзоланган деб ҳисоблайди.

Суд иш ҳолатларини тўғри аниқлаб, судланувчи Ш.Ннинг айблилиги ҳақида асосли хулосага келган.

Биринчи босқич суди Ш.Ннинг жиноий ҳаракатларини тўғри квалификация қилиб, унга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандидаги “Жиноят кодексининг



8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши керак”лиги ҳақидаги тушунтиришларига риоя қилиб, айбланаётган модда санкцияси доирасида жазо тайинлаган бўлса-да, бироқ ушбу жазони адолатли деб бўлмайди.

Судлов ҳайъати, судланувчи Ш.Н чет эл фуқароси эканлигини, аёллигини, жазони ижро этиш жойидан ижобий тавсифланганлигини ҳамда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларини инобатга олган ҳолда унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, айбланаётган моддаси санкцияси доирасида назарда тутилганидан ҳам камроқ жазо тайинлашни лозим топди.

Шу сабабли судлов ҳайъати суд ҳукмини ўзгартириб, шикоятни қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497¹³, 497¹⁷, 497¹⁸, 497²⁶, 497³¹, 497³⁴-моддаларига мувофиқ, судлов ҳайъати

а ж р и м қ и л д и :

_____ нисбатан жиноят ишлари бўйича _____ туман судининг _____ ҳукми ўзгартирилсин.

_____ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 246-моддаси 2-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 6 йил 6 ой йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 6 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида, тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Суд ҳукмининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Шикоят қисман қаноатлантирилсин.

Раислик қилувчи: _____ имзо _____ О.Нормаҳматов

Ҳайъат судьялари: _____ имзо _____ А.Мирзаев

_____ имзо _____ К.Назаров

Аслига тўғри: _____ К.Назаров

